



ИНГЛИЗ ТИЛШУНОСЛИГИДА ГИПОНИМИЯНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

*Сабирова Нодира Каримбаевна,
ЎзМУ (DSc) докторанти*

Калит сўзлар: гипонимия, гиперо-гипонимик муносабат, лексик бирликлар, семантик майдон, суперординат, приватив муносабат, лексик парадигма.

Гипонимия жаҳон тилшунослигида кам ўрганилган категория бўлиб, бир қатор тадқиқотчиларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган. Қуйидаги олимларнинг ишларида гипонимия масаласининг тадқиқ этилганини кўриш мумкин: Котцова Е.Е. “Гипонимия в лексической системе русского языка (на материале глагола)”, Cruse D.A “Hyponymy and its varieties”, Katz J.J. “Semantic theory”, Lehrer A. “Semantic fields and lexical structure”, Murphy M.L. “Semantic relations and the lexicon”. Ўзбек тилида эса биринчи марта Р.Сафарова бу ҳодисани “Гипонимия в узбекском языке (на материале общеупотребительных зоонимов)” деб номланган номзодлик диссертациясида тадқиқот объекти сифатида ва Ж.Ш.Джумабаева “Ўзбек ва инглиз тилларида лексик ва стилистик градуонимия” деб номланган докторлик диссертациясида ўрганиб чиқди.

Д.А.Крузнинг “Lexical semantics”,¹ Дж.Лайонезнинг “Введение в теоретическую лингвистику” китобидан, ҳамда Ж.Ш.Джумабаеванинг “Турли тизимли тилларда лексик ва стилистик градуонимия”² китобининг “Градуонимия ва гипонимия” номли бўлимида гипонимия ҳақида тўлиқ ва батафсил маълумотга эга бўлишимиз мумкин.

Рус тилшунослигида гипонимик ва гипо-гиперонимик муносабатлар ҳақидаги масала Е.Е.Котцова,³ И.Н.Гридиналарнинг

илмий ишларида ҳам маълумотлар мавжуд.⁴ Шунингдек, гипонимик муносабатлар Дж.Лайонез⁵ ва В.Г.Гакнинг тадқиқотларида ёритилган⁶.

Гипоним тушунчаси семантик-функционал маънода луғавий бирликларда ифодаланган мазмун ва белгилар билан характерланади. Бу маъно ва белгилар эса бевосита объектив борлиқдаги умумийлик тушунчаси билан боғлиқдир. Айни бир аниқ тил эгалари онгида гипероним жинс тушунчасини ифодаловчи сўзларнинг аниқ маъносини ифодаловчи луғавий бирликлар сифатида намоён бўлади.

Гипоним ҳамда гипероним орасидаги систем-семантик муносабатлар нафақат гипонимик микроtizимнинг ўз элементлари ичида, балки яхлит бир тизимни ташкил қилувчи тилнинг луғат таркибидаги сўзлар орасида ҳам мавжуддир. Шундай ўзига хосликлардан бири инглиз тили луғат тизимидаги гиперо-гипонимик парадигмаларнинг элементлари ичидаги гипероним ҳамда гипонимларнинг ўзаро семантик муносабатидир.

Биз гипонимия ҳамда сўзларнинг гиперо-гипонимик қатори атамалари остида маъносига кўра объектив борлиқдаги жинс-тур муносабатини ифодалашга хизмат қиладиган сўзлар

Автореф. дисс. ...докт. филол. Наук.- Аргангельск. 2010.-15 с.

⁴ Гридина И.Н. Гипо-гиперонимические отношения в ментальном лексиконе детей и взрослых. Автореф. дисс. ...канд.филол.наук. – Санкт Петербург. 2010. -26 с.

⁵ Лайонез Дж. Введение в теоретическую лингвистику. –М.: Прогресс. 1978, 10 с.

⁶ Гак В.Г. Сравнительная типология французского и русского языков. – Л.: Просвещение,1977. – 259 с.

¹ Cruse D.A. Lexical Semantics. – Cambridge University Press, 1986. 285-293 б.

² Джумабаева Ж.Ш.Турли тизимли тилларда лексик ва стилистик градуонимия.-Т.: Мумтоз сўз. 2017. 111-115 б.

³ Котцова Е.Е. Гипонимия в лексической системе русского языка: на материале глагола.



қаторини, лексик парадигмаларни тушунамиз. Сўзларнинг гипонимик қатори: а) гипероним; б) гипонимдан иборат. Гипероним жинс белгисини билдирган предметнинг номини ифодаловчи кўшгина маъноларни семантик жиҳатдан умумлаштирувчи микротизимнинг марказий сўзи, доминантаси сифатида намоён бўлувчи луғавий бирликдир. Гипоним - маълум жинс турларининг номларини ифодаловчи ҳамда ўзининг семантик таркибида жинс маъносини ифодаловчи сўзни бириктириб келган, семантик жиҳатдан гиперонимга нисбатан бой бўлган луғавий бирлик.

Маълумки, лексик элементлар лексик ва синтактик категорияларни, яъни шакл ва маъно ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. Ушбу категорияларга мувофиқ семантиканинг лексиконида лексик элементлар ифодаланади. Семантик таснифга кўра лексик бирлик, унинг ифодалаган маъно ва муҳитига боғлиқлиги, шунингдек, лексик бирликлар ўзаро узвий боғланиш хусусиятига эга. Лексик бирликдаги баъзи муносабатлар гипоним, гипероним, синоним, антоним ва омонимлардан иборат бўлади. Гипоним ва гипероним муносабати гипонимия терминини ифодалайдиган умумий ва конкрет (аниқ) термин орасидаги муносабатдир. Масалан, “red”, “yellow”, “green”, ва “blue” сўзлари “color” гипонимининг гипонимларидир. Лексик семантика тилшуносликнинг асосий йўналишларидан бўлиб унда сўз маъноси тизимли ўрганилади. Лексик семантикада иккита асосий масала ўз ечимини топади: а) сўз маъносининг ифодаланиши, б) контексларо ўзгарувчан сўз маъноси вариативлигининг ифодаланиши. Ушбу иккита тушунча ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, унда сўз маъносининг адекват (мос) равишда ифодаланишида вариация ва интерпретация муҳим ўринни эгаллайди. Юқорида келтирилган иккита йўналишда ҳам контекстуал вариативлик намоён бўлади. Биринчиси мавжуд анъанавий танлаб олиш жараёни бўлса, бошқаси эскирган сўзлар маъносини метафора ва метонимиянинг қўлланилиши орқали

контекстга мос ҳолатда яратилишидир. Сўз маъносининг синхрон вариацияси диахрон ўзгаришларни англашда катта аҳамиятга эга. Турли тиллардаги сўз маъноси ҳамда унинг муносабат воситаларини кузатиш мумкин. Яъни маъно орасидаги тизимли муносабат, структураланиш: антонимия (long-short, fast-slow), гипонимия (animal-dog, fruit-apple) ва мувофиқлашмайдиган (зид) сўзлар (dog, cat, apple, banana) мавжуддир. А.В.Гридасованинг берган таърифига кўра “Гиперо-гипонимические отношения следует отличать от родственных зависимостей: а) синонимов, допускающих взаимозаменяемость; б) “полевых структур”, элементы которых выходят далеко за пределы иерархической подчиненности и выстраивания пар слов по степени возрастающей/убывающей абстракции; в) ассоциативных объединений с их, как правило, очень зыбкими непосредственными связями; г) микрогруппировок типа «целое и его составные части»; д) градуальных рядов с ярко выраженной доминантой нарастания/убывания степени признака; е) собирательности.”⁷ М.М. Фокинанинг илмий ишида ҳам бу ҳақда маълумотлар мавжуд.⁸

Гипонимия гипероним (жинс) ва гипоним (тур) орасидаги муносабатни ифодалаб, гипоним гиперонимнинг ўзига хос семантик майдондаги сўз ёки сўз бирикмасидир. Гиперонимнинг маъноси гипонимга нисбатан кенгроқ ва «хирароқ» (ноаниқроқ), гипонимнинг маъноси эса гиперонимникига нисбатан торроқ ва «ёрқинроқ». Шу боисдан, айтиш мумкинки, гиперонимнинг маъновий моҳияти барча гипонимнинг маъновий моҳияти йиғиндисига тенг.

⁷ Гридасова А.В. Проблема гиперонимии и гипонимии в лексикографическом аспекте русского и английского языков, В мире научных открытий, ISBN: 2072-0831. 2010

⁸ Фокина М.М. Историческое развитие гиперо-гипонимических отношений в английском языке. Автореф. Дисс. ...канд.филол.наук. – Москва, 1993. -23 с.



Лексик майдонда гипонимия бир канча сатхларда ҳам намоён бўлади, яъни гиперонимларда гипоним бўлса, гиперонимнинг ўзи яна бир поғона юқорида турувчи суперординат атамаси остида унинг гипоними ҳисобланиши мумкин. Гиперонимнинг семантик майдони суперординат сифатида мавжуд бўлиб, у гипонимга нисбатан кенгрокдир. Семантик сатхнинг иерархик тузилиши асосан гиперо-гипонимик муносабатларда намоён бўлади. Ушбу муносабатларни умумий, юқори поғона ва ўзига хос қуйи поғона, яъни “юқоридан-қуйига” шаклида кузатиш мумкин. Масалан, “living things” сўз бирикмаси “plants”, “birds”, “animals” сўзлари орқали юқори поғонани ифодаласа, “dog”, “cat”, ва “wolf” сўзлари қуйи поғонани ифодалайди.

Гипоним ва гипероним муносабатларда гиперонимнинг гипоним орқали ифодаланиши тушунилади. Ушбу муносабатларда “imagine”, “understand”, “knowledge” каби мавҳум сўзларнинг ифодаланишида мураккабликни кузатиш мумкин. Е.Е.Котцованинг таъриф беришича, “Процессы категоризации знаний на основе родо-видовых отношений концептов и отражение этих процессов в глагольной лексике естественного языка представляют особую трудность потому, что глаголы имеют более сложную сигнификативно-семантическую природу, чем класс конкретных имен”⁹ Гипонимия фақатгина турдош предметларда, мавҳум ва конкрет отлардагина эмас, балки бошқа сўз туркумларига кирувчи лексик бирликларда ҳам аниқланиши мумкинлиги Е.Е.Котцованинг таърифида ёритилган¹⁰. Гипонимия иш-ҳаракатни ифодаловчи, феъл сўз туркумига кирувчи лексик бирликларни қуйидагича ифодалайди.

⁹ Е.Е.Котцова. Гипонимические связи глаголов и существительных в лексической системе русского языка. Вестник Нижегородского университета имени Н.И.Лобачевского. 2011. №6(2). 324-327 с.

¹⁰ Котцова Е.Е. Гипонимия в лексической системе русского языка: на материале глагола. Автореф. дисс. ...докт. филол. Наук.-Аргангельск. 2010.-77 с.

Масалан: “stare”, “gaze”, “view”, “peer” феъллари “look” гиперонимининг гипонимларидир.

Гипероним ва гипоним муносабатларда ассиметрик ҳолатлар ҳам кузатилади. Гиперо-гипонимик муносабатларни гапда X , Y шаклида тадқиқ қилинади. Агар X нинг бир тури Y бўлса, гапда Y нинг ўрнига X ни ишлатиш мумкин. Масалан, “A screwdriver is a kind of tool” гапидаги маъно “A tool is a kind of screwdriver” гапининг маъносини бермайди. Ушбу мисолдан маълум бўладики, гипоним ва гипероним муносабатлар нафақат сўз, сўз бирикмаси ва сўз туркумларининг лексик элементларига боғлиқ бўлмасдан, балки гап ва унинг маъносини ифодалашда ҳам ўз ўрнига эгадир. Юқорида келтирилган гапда “screwdriver” сўзи винтни буровчи инструмент маъносини ифодалаган.

Л.М.Мёрфининг таърифида кўра “Hyponymy is the type of relation among lexical items; for example rose is a hyponym of flower in that roses are types of flowers. In other words, if X is a hyponym of Y , then the extension of X is a subset of the extension of Y . Thus, we can say that hyponymy is a relation of inclusion.”¹¹ Гипонимия ўтимли яъни кўчма муносабатга ҳам эга. Агар X нинг гипоними Y бўлса, Z ҳам X нинг гипоними ва X Z нинг гипероними бўлишини кузатиш мумкин. Масалан, “violet” “purple” нинг, “purple” эса ўз навбатида “color” сўзининг гипоними бўлиб, “violet” сўзи ҳам “color” сўзининг гипонимидир.

Сўз маъносига кўра гипоним ва гипероним ҳам бўлиши мумкин. Масалан, “purple” “color” сўзининг гипоними булса, “purple” шунингдек, сиёҳ рангининг турли спектрларини ифодаловчи сўзлар “crimson” ва “violet” сўзларининг гипероними ҳисобланади.

X нинг бир тури Y бўлса, гапда Y ўрнига X ни ишлатиш мумкин, аммо X

¹¹ Murphy I. Hyponymy and hyperonymy (P. 446-448) // ELL-Encyclopedia of Language & Linguistics, Handbound, ISBN: 0-08-044299-4. P. 446



нинг турлари *У, А, В, С* лар ҳисобланса, уларни бир-бирининг ўрнида ишлатиш мумкин эмас. Улар *со-гипонимлар* ёки *ко-гипонимлар* дейилади. Масалан, “screwdriver”, “scissors”, “knife”, “hammer” сўзлари бир-бирига со-гипоним бўлади, улар “tool” сўзининг гипоними ҳисобланади, лекин улар бир-бирининг ўрнига ишлатилмайди.

Гипонимия сўзларнинг гиперогипонимик қатори инглиз тили луғат қатламида мавжуд бўлган шу тизим ичидаги объектив реалликнинг турли тиллар лексикасини тизим сифатида ташкил этадиган категориясидир. Гиперогипонимик муносабат асосида боғланган луғавий қатор ва лексик бирликларнинг ўрганилиши инглиз тили луғат ва лексик бирликлар таркибини тизим сифатида ташкил топганлиги, систем характерга эга эканлиги ҳақидаги билимларимизни чуқурлаштириш имконини беради.

Гипероним ва гипоним ҳамиша бир хил - приватив муносабатларда туриши сабабли приватив оппозиция тил тизимини бошдан-оёқ қамраб олади, лекин, ёндош ва “босқичдош” бўлган, бир босқичда турган гипонимлар орасида эквиолент муносабатлар етакчилик қилади. Гиперогипонимик муносабатларнинг нисбий ва чекланмаганлиги лисоний тизим ҳамда унинг имкониятларининг чексизлигини таъминласа, гипонимлараро муносабатларнинг эквиолент, гипероним ва гипоним орасидаги муносабатларнинг привативлиги тил ифода воситаларининг аниқ ва муайянлигини таъминлайди.

Сўзларнинг гипонимик боғланишларининг таҳлили шуни кўрсатдики, гипонимларнинг вазифалари ҳалигача тўлиқ баён этилмаган. Улар кўп жиҳатдан берилган контекстдаги гиперогипонимлар муносабатларига боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Котцова Е.Е. Гипонимия в лексической системе русского языка: на материале глагола. Автореф. дисс. ...докт. филол. Наук.- Аргангельск. 2010.
2. Джумабаева Ж.Ш. Турли тизимли тилларда лексик ва стилистик градуонимия. Монография. -Т.: Мумтоз сўз. 2017.
3. Гридина И.Н. Гипо-гиперонимические отношения в ментальном лексиконе детей и взрослых. Автореф. дисс. ...канд.филол.наук. – Санкт Петербург. 2010.
4. Лайонез Дж. Введение в теоретическую лингвистику. –М.: Прогресс. 1978.
5. Гак В.Г. Сравнительная типология французского и русского языков. – Л.: Просвещение, 1977.
6. Гридасова А.В. Проблема гиперонимии и гипонимии в лексикографическом аспекте русского и английского языков, В мире научных открытий, ISBN: 2072-0831. 2010
7. Фокина М.М. Историческое развитие гиперогипонимических отношений в английском языке. Автореф. Дисс. ...канд.филол.наук. –Москва, 1993.
8. Е.Е.Котцова. Гипонимические связи глаголов и существительных в лексической системе русского языка. Вестник Нижегородского университета имени Н.И.Лобачевского. 2011. №6(2).
9. Murphy I. Hyponymy and hyperonymy (P. 446-448) // ELL-Encyclopedia of Language & Linguistics, Handbound, ISBN: 0-08-044299-4.
10. Cruse D.A. Lexical Semantics. – Cambridge University Press, 1986.

Сабирова Н. Исследование гипонимии в английском языкознании. Статья посвящена исследованию гипонимии в английском языкознании, в которой анализируются особенности гиперогипонимических отношений. Тот факт, что изучение лексического ряда и лексических единиц, связанных на основе гипонимического отношения, сформировало состав английского словаря и лексических единиц как системы, а также даёт понимание того, что система имеет характер.



Sabirova N. The study of hyponymy in the English linguistics. The article is devoted to study hyponymy in English linguistics, which analyzes the features of hyper-hyponymy relations. The fact that the study of the lexical series and lexical units connected on the basis of a hyponymy relation has formed the composition of the English dictionary and lexical units as a system gives an understanding that the system has a character.